



ФАНЛАРАРО ЭКОЛОГИК ТАРБИЯ

усулларини намоиш этиш.

Педагогик ўйинли машғулотлар ҳозирги кундаги ўқув- тарбиявий жараёнга қуйидаги янги сифатларни олиб киради:

- ўқув жараёнини намоён этувчи тақлидди моделнинг, яъни ўқув материалининг мазмунини.

- ўргатувчи ўйинли моделда бўлғуси касбий фаолият шакли ва вазифалари бўлимларини;

- талабаларнинг ўқув фаолиятини ҳақиқий ўқув жараёнига яқинлаштиришни.

- таълим ва тарбия бериш жараёнининг бирлигини.

- фаолиятни ўқитувчи томонидан ташкил этилиши ва бошқарилиши ҳамдатолабалар томонидан амалга оширилиши;

- машғулотлардан кенг миқёсда фойдаланишни.

Педагогик ўйинли машғулотларда қуйидаги педагогик вазифалар амалга оширилиши керак:

- бўлажак мутахассисларга касбий фаолият тўғрисида бир бутун тушунча бериш;

- касбий предмет ҳамда ижтимоий тажриба ҳақида яқка тартибда бирлашиб қарор қабул қилишни ўзлаштириш;

- касб бўйича назарий ва амалий фикрлашни ривожлантириш;

- касбий мойилликни шакллантириш за унинг ҳрсил бўлишига шароит яратиш ва б.

† Педагогик ўйинли машғулотларнинг анъанавий усуллардан сифат жиҳатидан фарқи шундаки, бунда ўқув жараёни қатнашчиларининг биргаликда бор муаммони ечишга келиши натижасида касбий фаолият қонунияти ҳосил бўлади, лекин бу касбий - фаолият ва касбий тафаккур ҳаракатлари дидактик асосланган, услубий томондан таъминланган ва ҳужжатлар билан исботланган бўлиши керак. Буни шундай амалга ошириш керакки, педагогик ўйинли машғулотларда

катнашувчилар шу давргача эгаллаган жами билимларини намоён эта билсин. Булар қуйидагилардан иборат:

- касбий фаолиятни бир бутун ҳолда кўра билиш, унинг объектини ташкил этувчи қисмларини ажрата олиш;

- педагогика фанининг ривожланиши, мақсади ва ҳолатларининг қайта ташкил бўлишида кўриладиган натижаларни ажрата олишни билиш;

- вазифани бажариш, изоҳлаш ва аниқ шароитда мақсадга эришишни таъминловчи ҳаракаттаълимини ажрата билиш;

- масалаларни ечишдаги ҳаракатларни амалга ошириш;

- олган натижаларни умумлаштириш ва баҳолаш.

Шундай қилиб, педагогик ўйинли машғулотлар модели талабаларнинг ўқув жараёнида фаолиятни эгаллашга қаратилиши керак. Ўйинларни ўтказишда педагогик вазиятлар тўлиқ таълил этилиб, уларни бажариш усуллари тўлиқ муҳокама қилинади. Таълим олувчилар олдига аниқ ўйиннинг мақсади қўйилади. Баҳолаш учун экспертлар қўйилади. Ўйинлар гуруҳ ёки жамоа асосида амалга оширилади.

Фан ўқитувчиси ўйин танлашда дарсга ажратилган вақт, ўқувчиларнинг тайёргарлиги, ўқув материалларининг мазмунига алоҳида эътибор қаратиши лозим. Даре жараёнида ўйинларни амалиётга татбиқ этишда суҳбат, кургазмали, амалий усуллардан фойдаланиш мумкин. Машғулот якунида ўйин натижалари таҳлил қилинади. Ўқувчиларга керакли тавсиялар берилади. Демак таълим жараёнида педагогик ўйинлардан фойдаланиш ўқитувчидан ижодкорлик, ташаббус ва касбий маҳоратни талаб қилади. Бу эса дарс самарадорлигини оширишда асосий омил ҳисобланади.

ЭКОЛОГИК ТАРБИЯ БЕРИШ ЮЗАСИДАН 5-СИНФ УЧУН ФАНЛАРАРО ДАРС ИШЛАНМАСИ

Н.ИСАҚУЛОВА - ЎМКХТТКМО ва УҚТИ докторанти

Кадрлар тайёрлаш миплий дастурида Давлатимиз келажаги ўқувчи-ёшларни экологик узлуксиз таълими ислоҳ қилиш тарбиялаш бугунги кун талаби эканлиги, ўқувчиларга йўналишларида ҳам «таълимнинг барча даражаларида таълим олувчиларнинг ҳуқуқий, иқтисодий, экологик ва санитария-гигиена таълими ҳамда тарбиясини такомиллаштириш» деб белгилаб берилгани бошланғич таълим. умумий ўрта таълим ҳамда касб- ҳунар таълими ўқувчиларига фанлараро экологик тарбия беришга имкон беради. Экологик тарбия бугунги замон талаблари эътиборида, экологик муаммоларнинг олдини олиш каби масалаларни ҳал этишда табиат ва жамият тараққиёти қонуниятлари тўғрисидаги экологияга оид билимларни ўзлаштиришда фанлараро экологик тарбия беришни узлуксиз таълим жараёнида олиб бориш мақсадга мувофиқ бўлади. Узлуксиз таълим жараёнида ўқувчиларга фанлараро экологик тарбия бериш мазмуни ўқувчиларни экологик таълим бериш ва тарбиялашда табиат олдидagi онгли муносабатга таянилади.

Давлатимиз келажаги ўқувчи-ёшларни экологик тарбиялаш бугунги кун талаби эканлиги, ўқувчиларга фанлараро экологик тарбия бериш масалалари билан боғлиқ мақола мавзусини танлашимизга асос бўлди. Танлаган мақола мавзусининг долзарблиги қуйидагиларда ўз ифодасини топди:

Биринчидан, ўқувчиларга фанлараро экологик тарбия бериш эҳтиёжининг узлуксиз таълим билан узвий боғлаган ҳолда умумий ўрта таълим ўқувчиларини фанлараро экологик тарбиялаш. **Иккинчидан**, узлуксиз таълим тизимида умумий ўрта таълими ўқувчиларига фанлараро экологик тарбия беришга оид муаммонинг тадқиқ этилмаганлиги. **Учинчидан**, ўқувчиларга гуманитар фанлараро экологик тарбия бериш ўқувчи ҳуқуқ- атаори, фикрлари ҳамда муносабатлари кўрсаткичлари ёрдамида эмпирик даражада ўрганишнинг етарли ҳолатда эмаслиги. **Тўртинчидан**, узвийлигини таъминлаган ҳолда умумтаълим ўқувчиларига фанлараро экологик тарбия беришнинг

илмий-услубий асосланмаганлиги **Бешинчидан**, умумтаълим мактаб ўқувчиларига фанлараро экологик тарбия бериш юзасидан амалий- услубий тавсия ва педагогик хулосаларнинг ишлаб чиқилмаганлиги.

Умумийўрта таълимда экологияни фақатгина фанларнинг таркибида эмас, балки дифференциялашган ҳолда фанлараро экологик тарбияни шакллантириш лозим. Қуйида биз фанлараро экологии мазмундаги дарё ишланмасини тавсия этамиз. Мазкур дарё жараенида экологик тарбияни «Ботаника», «География», «Тарих», «Ватан туйғуси». «Адабиёт», «Она тили» ва «Математика» фанлари алоқадорлигида фан мавзулари таҳлилида ўзлаштирилади.

Мавзу: Экологик тарбия бериш юзасидан фанлараро дарё ишланмаси.

Мақсад:

а) Таълимий мақсад: фанлараро экологик билимларни шакллантириш.

б) Тарбиявий мақсад: фанлараро экологик тарбия бериш

в) Ривожлантирувчи мақсад: фанлараро мантикий тафаккурни ўстириш.

а) Мотиваций» мақсад: фанлараро мустақил хулосага келиш

Жиҳоз: дарсликлар, қоғоз. фламастер.

Услуб: «Пинборд»

Дэрснингбориши:

I. Ташкилий қисм: Саломлашиш, навбатчи ахбороти, ўқувчиларни дарсгатайёрлаш,

II. Уй вазифасини сўраш ва баҳолаш: такрорлаш

III. Янги мавзу: Экологиктарбия беришюзасидан фанлараро дарё мавзуси.

Азизуқувчилар. бугунги дарсимизни фанлараро алоқадорликда олиб борамиз. Мазкур вазифани ишлаб чиқишда табиий, ижтимоий, гуманитар ҳамда аниқ фанлар алоқадорлигида экология ҳақидаги билимларимизни умумлаштирамиз. Ҳар бир фан туркумидаги ўқувчиларидида аниқланган экологик мазмундаги мавзуларни «Пинборд» усулида ўрганамиз. «Ботаника» фанида «12§. Илдизнинг тупроқдан сув ва минерал моддаларни шимиши» мавзуси. «География» фанининг «29§. Организмларнинг ер қобиғига таъсири» мавзуси, «Тарих» фанининг «6§. Инсоният ҳаётидаги ўзгаришлар»мавзуси, Ватан туйғуси фанининг «Она юрт» шеъри, «Адабиёт» фанининг экологик мазмундаги мақол ва топишмоқлардан намуналар, «Она тили» фанидан экологик мазмундаги машқ ҳамда «Математика» фанидан экологик мазмундаги масалаларни ечиш орқали бугунги муаммони ўрганиб чиқамиз. Мунозарани бошлаш учун қуйидаги савоп ватопширикларни бажаринглар:

1. Ўсимлик илдизининг энг муҳим зазифаси нимадан иборат?

2. Организмлар ер қобиғига қандай таъсир кўрсатади?

3. Инсониятҳаётида қандайўзгаришлар бўлган?

4. «Она юрт» шеъринингтаҳлили.

5. Инсоннингэкологиктарбиясига хизмат қилувчи мақол ва топишмоқларни топиш ва таҳлил қилиш.

6. Экологик мазмундаги машқ ва масалаларни ечиш.

Мунозара вақтида ўқувчилар юқорида қайд этилган

мавзулар асосида савол ва топширикларни ' ишлаб чиқади. Ўқитувчи ўқувчиларнинг мунозара вақтида шаклланган хулосаларини асосий хулосалар *

кўринишида қоғоз варағига ёзишларини кузатади, назорат қилади. Ўқувчиларнинг асосий хулосалари қуйидагича:

- Ўсимликлар илдизининг муҳим вазифаси тупроқдан сув ва унда эриган озиқ моддаларни шимиб олиб, ер усти қисмига узатишдан иборат.

- Ўсимликлар ҳаводаги ҳамма кислородни ҳосил қилади. янгилан туради. Ўлган ҳайвонларнинг қолдиқлари сув тагига чўкиб зичлашиб. оқактош ва бўр қатламларини ҳосил қилади. Тупроқдаги микроорганизмлар тупроққа тушган органик қобиқларни тезда чиритиб, гуусга айлантириб. тупроқни унмдор қилади.

- Тарих фанидан маълумки, қадимги одамлар асосантериб-термачлаш, овчиликқилишбиланкун кечирганлар. Т абиатнинг инсон устидан ҳукмронлиги унинг ҳаётидаги ўзгаришларда намоён бўлади. ' - Ватаннинг беқиёс бойликлари, [ўза]Л табиати ва кулай шарт-шароитлари учун севиш даркор. Шу* билан бирга қадрдон макон ва қутлуғ маскан учун ҳам ардоқламоқзарур.

Тупроғингзар,
Тошингавҳар, деган ҳам бор. Ягонасан, ■
Жононасан, деган ҳам бор.
- Ёмғир ёғиб турганда қарға қандай дарахтга кўнади? (хўл дарахтга)
Қайси жойда дарёлар сувсиз.
Шаҳарлар уйсиз бўлади. (харитада)
- Ер тўйдирар, ўт куйдирар.
Эксанг, ўрасан.
Машқ. Ўқинг. Гап мазмунига кўра тиниш белгиларини кўйинг.

Организмларнинг Ернинг сув қобиғига таъсири'


борми? Ўсимликларни «кислород фабрикаси» дейишади. Табиатни муҳофаза қилинг. »
Масала. Агар тўғри тўртбурчак шаклидаги унмдор ернинг бир томони 12 см бўлса, периметри эса 44 см бўлса, унинг юзини топинг.
а - 12 см
-В - ?
' Р-44СМ
• S- ?

' Ечиш: $P=(a+b) \cdot 2$
1) $44:2=22$
2) $22-12=10$
 $S = 3'V= 12-10=120 \text{ см}^2$
Жавоб: $S = 120 \text{ см}^2$

Ўқитувчи маслаҳат ва тавсиялар орқали доскада ■

илиб куйилган қоғоз варағидаги ўқувчилар хулосаларини умумлаштиришга кўмак беради. Мазмунига қараб ўқувчилар маълумотларни 'тартиблайдилар ва гуруҳларга бўладилар.
Йўналтирувчи чизиқ ва бошқа белгилар ёрдамида уларнинг ўзаро мунсabatларини (бир бутун ёки қарама-қарши нуқтаи назардан) белгилайдилар. Ўқувчилар маълумотларни қуйидагича тартиблайдилар:

- Орган измларнинг ер қобиғига таъсири
j -Ўсимликилдизинингэнгмуҳим вазифаси



МЕҲНАТ ТАЪЛИМИ

* -Инсоният ҳаётидаги ўзгаришлар

- Она - юрт

■ - Мақол ва топишмоқлар инсоннинг экологик тарбиясига хизмат қилади.

-Экологик мазмундаги машқ ва масалалар ечими ўқувчининг экологик тарбиясини оширади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ўқувчига фанлараро-экологик тарбия бериш юқоридаги мавзулар алоқасида амалга оширилади деб, ўқувчилар томонидан амалга оширилган фаолиятга яқун ясайди. таҳлил қилиб, баҳолайди.

IV-Ўтилган мавзунини мустаҳкамлаш: Мавзунини қуйидаги саволлар асосида м у стаҳкам ла ш:

1) Тупроқдаги сув ва унда эриган моддалар ўсимликка қандай қилиб ўтади?

2) Илдиз босимининг роли нимадан иборат?

3) Баҳорда кесилган дарахтлар танасидан нега суюқлик (шира) оқади?

4) Организмлар таъсирида ер пўстида қандай ўзгаришлар содир бўлади?

5) Тупроқни ма?

6) Тупроқни нималардан ҳимоя қилиш керак?

7) Тупроқларни унумдор қилиш учун қандай ишларни амалга ошириш керак?

8) Бир тўда ғоз учиб борар экан. Бир ғоз келиб: «Эй юз ғоз, саломат бормисиз?» дебди. Шунда улардан бири айтибди: «Биз юз ғоз эмасмиз, яна биз миқдори ғоз бўлса ва янэ бизнинг ярмимиз миқдори ва ярмимизнинг ярми бўлса, у ҳолда сен қўшилсанг юз ғоз бўламиз» дебди. Осмондаги ғозлар қанча экан? (Жавоби 3бта. Яъни $36+36+18+9+1=100$)

9) Дастлабки одамзод уюшмаларининг ҳар бири дарахтга бўлган муносабатларини аниқланг.

10) Авлодларга мерос тупроқ.

Олтин бешик,

Шеър мисрасини таҳлил қилинг.

Ўйга вазифа: такрорлаш.

In this article presented materials pertinent to importance of developing in young generation ecological training and principals of interconnectivity of ecological training problems.

БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИ ШАРОИТИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ИШБИЛАРМОНЛИК ВА ТЕЖАМКОРЛИК_ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Ў.ТОҲИРОВ - Низомий номидаги ТДПУ аспиранти

Инсоният тараққиётининг ҳозирги босқичи барча соҳаларда замонавий технологиялар ривож билан боғлиқ экан, ишбилармонлик ва тежамкорлик йўллари пухта ўзлаштирилган баркамол авлодни тарбиялаш Республикамиз таълим тизимининг муҳим вазифаларидан бири сифатида юзага чиқади. Бу масаланинг асосий ечими умумий ўрта таълим мактаблари меҳнат таълими дарсларини мақсадга мувофиқ ташкил қилиш билан ҳал этилади.

Меҳнат таълими дарслари мактаб устахоналарида олиб борилади ва амалий машғулот тарзида ташкил қилинади. Машғулотларга тайёрланиш жараёни сермашаққат иш ва ўқитувчи фаолиятининг жуда муҳим қисмидир. Олиб бораётган тажрибаларимиздан маълумки, янги мавзу доирасида дарсларга тайёрланишда ўқитувчи ўқувчиларнинг бирор буюмини тайёрлашларига қанча вақт кетса, шунча, баъзан ундан ҳам кўп вақт сарфлайди. Агар дарсга тайёрланиш вақти

"тежаб" қолинса, у ҳолда бу дарсларнинг сифати таъсир этади. Дарс вақтини сақлаб қолишнинг ягона усули - уни машғулотларни ишлаб чиқишда аямасликдир. Бунинг учун ўқитувчи ўз иш режасини пухта ва мукамал ишлаб чиққан бўлиши керак. Ишлаб чиқилган режа асосида меҳнат таълими дарслари ташкил қилинади.

Устахоналардаги дастлабки машғулотларнинг хусусияти шундан иборатки, бунда асбобларнинг номини ҳам, иш усуллари ҳам, меҳнат хавфсизлиги қоидаларини ҳам, иш жойларидаги тартиб ва ҳоказоларни ҳам тушунтиришга тўғри келади. Шу муносабат билан тушунтириш ва машғулот мавзусини таърифлаб бериш ишлари олиб борилади.

Ўқувчиларга меҳнат таълими дарсларида ишбилармонлик ва тежамкорлик ишларини ўргатишда бозор иқтисодиёти қонуниятлари талаблари асосида сифатли, рақобатбардош,

